

## KHOREZM DANCE SCHOOL: HISTORY AND RESEARCH

**Jahongir Ganiev,**

State choreography of Uzbekistan  
Academy of Academic Affairs

Vice-Rector, Candidate of Historical Sciences, Associate Professor

**Hulkar Khamroeva,**

State choreography of Uzbekistan  
senior lecturer of the academy,  
Candidate of Philological Sciences

**Annotation.** This article examines the history of the Khorezm dance school and the first historical sources about its formation.

**Keywords:** "Avesto", "Rock", "Fortress", monument, heritage, history, caliphate, dance, "Ashshadarozi".

## ХОРАЗМ РАҚС МАКТАБИ: ТАРИХИ ВА ТАДҚИҚИ

**Жаҳонгир Ғаниев,**

Ўзбекистон давлат хореография  
академияси ўқув ишлари бўйича  
проректори, тарих фанлари номзоди, доцент

**Хулкар Ҳамроева,**

Ўзбекистон давлат хореография  
академияси катта ўқитувчиси,  
филология фанлари номзоди

**Аннотация.** Мазкур мақолада Хоразм рақс мактабининг ўтмиши, шаклланиш жараёни ҳақидаги илк тарихий манбалар тадқиқ қилинади.

**Калит сўзлар:** “Авесто”, қоятош, Тупроққалъа, ёдгорлик, мерос, тарих, халфачилик, рақс, “Ашшадарози”.

Кейинги беш йилда мамлакатимизда миллий-маънавий-маърифий тикланиш жабҳасининг энг асосий нуқталаридан бири, бой миллий ва умуминсоний қадриятларнинг тарғиботчиси сифатида рақс санъатига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 сентябрдаги “Лазги” халқаро фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги Қарорида “Мамлакатимизнинг бой рақс санъати тарихида алоҳида ўрин эгаллаган “Хоразм лазги рақси” ўзига хос ижро услуби ва жозибаси билан нафақат Ўзбекистонда, балки чет давлатларда ҳам машҳурдир”<sup>1</sup>,

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лазги” халқаро фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги Қарори, ЎЗА, 2020 йил 28 сентябрь.

дейилади. Бу машхурлик замирида ёшларга ибрат бўларли юксак маънавият, ватанга, маданий меросга ҳамда тарихимизга эҳтиром туйғулари мужассам.



Хоразмнинг бир неча минг йилликларга бориб туташидиган кўҳна маданияти, серқирра санъати илдизларини тадқиқ қилиш катта масъулият ҳисобланади. “Авесто” туғилган мўъжизалар ўлкасининг ўтмиши, маданий мероси, ривоят-у асотирлари, сеҳрли-сирли осори-атиқалари азал-азалдан дунё ҳамжамиятини ҳайратга солиб келмоқда. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фахрий академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби С.П.Толстовнинг қадим Хоразм тарихига оид тадқиқотлари дунёга машхур китобларидан ташқари ҳали ўрганилмаган 11 жилддан иборат қўлёзмаларга жо бўлган<sup>2</sup>. Олим 32 йил давомида (1937-69) Хоразм археология-этнография экспедициясининг ташкилотчиси ва раҳбари сифатида бу афсонавий ўлканинг ибтидоий, қадимий ва ўрта аср дин тарихи, ижтимоий тузуми ҳамда маданиятини ўрганган. Тупроққалъа деворидаги милoddон аввалги III - I асрларга мансуб арфа чалаётган аёл сурати ҳам, айнан, мазкур илмий экспедициянинг ноёб топилмаси ҳисобланади.



<sup>2</sup>Итина М.А. Хорезмская экспедиция – основные итоги и перспективы исследований. Культура и искусство древнего Хорезма.М.: Наука, 1981.С.-233.

Қадимда қарсақ, қайроқ ва таёқларни уриштириш, ҳайвонларга тақлид қилиш орқали ҳосил бўлган усуллар билан ижро қилинган халқ ўйинлари давр ўтиши билан мукамаллик касб этиб, профессионал рақсларга айланиб борган. Қоятош расмлари, амалий безак санъати намуналарида, сопол идишларда акс этган ҳаракатлар ўзбек миллий рақсининг узоқ тарихга эга эканидан далолат беради. Айниқса, сопол идишлардага расмлар қолдиқлари ликобчалар билан ўйналган маросим рақслари ва мусиқий давралар ҳақида аниқ маълумот беради.

Хоразм санъати ва маданияти тўғрисидаги муҳим маълумотлар “Авесто” ҳамда Геродотнинг “Тарих”, Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, С.П.Толстовнинг “Древний Хорезм”, “Қадимги Хоразм маданиятини излаб”, Исо Жабборовнинг “Кўҳна харобалар сири”, Т.Қиличевнинг “Хоразм халқ театри”, В.И.Авдеевнинг “Қадимги Шарқ тарихи”, М.Раҳмоновнинг “Ўзбек театр тарихи”, С.П.Сенсеревнинг “Легенда о Хорезме” китоблари орқали етиб келган. Археологик қазилмалар натижасида Жонбосқалъа, Қалтаминор ёдгорликларидан топилган, Маъмун академияси архивларида сақланаётган нодир манбалар ўз тадқиқини кутиб турибди.

Турли тасвирий санъат ёдгорликлари Хоразм халқининг мусиқаси ва рақс санъати ниҳоятда қадимийлиги тўғрисида маълумотларни тасдиқлайди. Уларда ҳар бир даврнинг эстетик онги, бадиий тафаккури, тасвирий воситалари сарой ва ибодатхоналар ҳаёти, диний урф-одатлар, маросимлар, сайил ва байрамлар, томошалар ҳақида ҳам қимматли манбалар мужассам. Академик А.Муҳаммаджоновнинг фикрича, “Қадимги Хоразм минтақалари ҳудудларининг ўзига хос табиати, шубҳасиз, фақатгина қадимий аҳолисининг турмуш тарзини белгилабгина қолмай, бу диёрда юзага келган қадимги маданиятларнинг шаклланиши, ривожини ва бир-бирига қоришуви ҳам кучли таъсир этган.”<sup>3</sup>

Ҳар бир халқнинг ўзига хос рақс услуби бўлиб, унинг тарихи шу санъатни яратган халқ номи, унинг қай заминда майдонга келгани, ўша халқнинг ҳаёти, маданияти, анъаналари, психологияси ўзига хос бадиий ижодиёти билан бевосита алоқадордир. Рақс тарихи, унинг шаклланиши ва тараққиёт босқичлари ҳеч қачон бир текис ривожланмаган. У қадимдан ўзи туғилган муҳит билан ижтимоий табақалар, миллат ҳаёти, маросимлари, диний урф-одатлари ва ақидалари, халқ томошалари ва байрамлари билан чамбарчас боғлиқликда шаклланиб боради.

Хоразм рақсларининг келиб чиқиши ва илк илдизларини халқ ижодиёти, тасвирий санъат ёдгорликлари, археологик топилмаларидан, дунё олимларининг тадқиқотларидан, қадимий ёзма манбалар, диний эътиқодлар, афсона ва мифлардан қидирамиз. Шундагина, бизда Хоразм рақслари тўғрисида умумий тушунча-муштарак бир тасаввур пайдо бўлиши мумкин. Қадимий рақслар ҳақида ёзиш ниҳоятда машаққатли ва мураккаб жараён. Биз энг қадимий рақслар тарихини мавжуд манбаларга таяниб, маълум маънода тахмин ва фаразлар ёрдамида ўргандик.

Археологик қазилмалардан топилаётган санъат ёдгорликлари ичида жуда кўп созандалар, масхарабоз ҳамда раққосаларнинг сурат ва ҳайкаллари, мусиқа асбоблари мавжуд. Демак, ибтидоий даврлардаёқ масхарабозлар, раққоса ва созандаларнинг ажойиб санъатлари ўша замон рассомларининг, ҳайкалтарошларининг эътиборини тортган. Уларга илҳом манбаи бўлган. Қадимий сарой деворларига ёки буюмларга ўзлари яшаган даврнинг турли тантана ва қабул маросимларини, тўй-базмларини, раққосаларнинг маълум бир рақс ҳаракатларини, театрлашган байрам томошаларини ранг-баранг бўёқларда тасвирлаб, келажак авлодларга қолдирганлар.

Дастлаб сўзсиз ҳаракатлар пайдо бўлиб, кейинчалик босқичма-босқич шаклланиб бориб, илк рақсларнинг яратилишига замин ҳозирлаган. Давра бўйлаб рақсга тушаётган раққос ва раққосалар сурати, бирон бир маросимга бағишлаб қўлида доира билан ўйнаётган кишилар тасвири, раққосанинг либосидаги нақш, маълум бир ҳаракат ёки ҳодисани ифодаловчи рақс мазмуни Хоразмда рақс санъатининг қадимийлигидан дарак беради.

<sup>3</sup>Муҳаммаджонов А. Тарих фалсафаси - маънавият кўзгуси. Т.: “Ўзбекистон”, 2015, Б.-141.

Ислом дини таъсири остида оташпарастрларнинг маросим ўйинлари мазмунан ўзгариб, эски кўринишини йўқота борган. Кейинчалик ислом ақидалари тобора кенг ёйилгани туфайли бу ўйинларда оташпарастрлик фақат шакл сифатида сақланган, холос. С.П.Толстов “Древний Хорезм” китобида ўрта асрларга келиб, эркаклар меҳмонхоналар, чойхоналарда йиғилиб, оловга қараб рақс тушганларини ёзади. Х.Вамбери XIX асрда эркаклар давра айланиб, оғзига иссиқ темирни қистириб, қўлида олов билан рақс тушгани ҳақида маълумот берган<sup>4</sup>.

Геродотнинг “Тарих” китобида ёзилишича: “Амударё бўйида яшовчи массагетлар кечалари гулхан ёқиб, олов ўчғунича қўшиқ айтиб, оловни улуғлаб рақсга тушганлар”.<sup>5</sup> Этнограф К Нуржоновнинг айтишича, 1920 йилларгача Хоразмда “кокилли қаландарлар” деб номланган гуруҳлар бўлганини ҳамда улар ўртага олов ёқиб, қўлига ўт солинган идиш ушлаган ҳолда жазавага тушиб, рақс қилганлар<sup>6</sup>.

“Зимлак”, “Қизил гул”, “Ашшадарози” маросим ўйинлари Хоразм рақс мактабининг илк даврига мансублиги, ибтидоий давр элементларига эгаллиги билан характерланади. Халқнинг сумалак сайли билан боғлиқ “Ашшадарози” ўйини қуёш тангрисига сиғиниш белгиси сифатида нишонланган. “Ашшадарози” сўзининг ўзи қадимий Хоразмийлар тилидан ёдгорлик эканлиги билан ажралиб туради. 5 жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу терминни учратмадик. Фольклоршуносларнинг фикрича, “Ашшадарози атамасининг биринчи қисми, яъни ашша сўзи “Авесто”даги эзгу илоҳа Аша (ёки Аши)нинг айнан ўзи бўлиб, дароз эса новча, узун бўйли, сарвқомат маъноларини англатади.Шунга кўра, Ашшадарози атамаси сарвқомат илоҳа Аша деган маънони билдиради деб ҳисоблаймиз”.<sup>7</sup>

*Ашшадарози меварам,  
Вақти номоз беварам.*

Бу сўзлар ўйиннинг мазмунига қараб, “сарвқомат ёки узун бўйлим, ўйин қил, намоз вақтигача”, тарзида таржима қилинади. Ҳозирги Хоразм воҳасининг жанубий туманларида яшовчи ўзбекларнинг шеvasида “Ашшадарози” ёки дароз сўзи ўта узун бўйли, беўхшов узун бўйли маъносида, беварам сўзи эса мабодо, балки маъносида қўлланилади. *Беварам* сўзи ўйин қил, *вақти намоз* ҳозирги форс-тожик тилида намоз вақти, эрта билан маъноларига эга.<sup>8</sup>

Бу ўйинда икки ярим, уч метр чамасидаги ёғоч таёқнинг юқори томонидан 40-50 см пастроққа 1 метр чамасидаги таёқ отаноқ (крест) қилиб бойланган, унинг юқори томонига матодан ўралиб одам боши шакли ясалган. Отаноқ таёққа узун қилиб тикилган аёллар кўйлаги, бошига қадим Хоразм қизлари киядиган дузийли дўппи кийгизилади. Унинг устига эса оқ ипак рўмол ташлаб кўйилади. Рўмол унинг юзига парда бўлиб ҳам хизмат қилади. Узун бўйли, кенг гавдали, уялинкираб турган келинчак кўз олдимизда гавдаланади.

“Кўйлак этаги кенг бўлиши шарт. Энг муҳим томони шуки, шу кенг кўйлак ичидаги қизлар, аёллар алоҳида хонага кириб олишади. Битта аёл уни сумалак сайлига келганлар даврасига олиб чиқади. “Ашшадарози” нозу карашма билан давра иштирокчиларига эгилиб таъзим қилади. “Ашшадарози” узокдаги кайвони аёлга салом беради. “Ашшадарози”нинг ҳар бир ҳаракати иштирокчиларнинг шўх кулгиси ва қарсақлари билан қарши олинади. Иккинчи томондан даврага эркакча кийинган хотин-қизлардан бири чиқиб “Ашшадарози” ролидаги қиз билан қўшиқ айтиша

<sup>4</sup> Вамбери Ҳерман.Бухоро ёхуд Моварауннаҳр тарихи. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.Т.1990. Б.-78.

<sup>5</sup> Геродот. История, 1 том, М.: Наука 1972. - С.75

<sup>6</sup> Нуржонов К. Хоразм санъати тарихи. “Бедорлик” эшиттириши.”Ўзбекистон” радиоканали. ЎЗМТРК, 2019 й.,20 сентябрь.

<sup>7</sup> Жўраев М. Наврўз кўшиқлари.Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 – Б.45.

<sup>8</sup> Қиличев Т. Қадимият рақси.“Совет Ўзбекистони ва санъати” журнаси, 1983, № 6, - Б.14

бошлайди ва рақсга тушади. Ашшадарози қиз ва эркак кийимидаги қиз ҳазил-айтишувлар, кулгили ҳаракатлари билан давра иштирокчиларининг олқишларига сазовор бўлишади. “Ашшадарози” қиз ва йигит таъзим қилиб, даврадан чиқиб кетади. Сумалак даврасига йиғилган хотин-қизларнинг галма-гал ўйин, қўшиқлари давом этади. Кенг тикилган “Ашшадарози”нинг қўйлаги этагига камида 10-15 аёл сиққан. “Ашшадарози” ўйини “Наврўз” байрами, халқ сайли, сумалак маросимларининг асосий таркибий қисми бўлган”<sup>9</sup>.

Хоразмда илгари тўйлар ва йиғинларни аёллар ва эркаклар бирга ўтказганлар. Кейинчалик ислом дини қоидаларига биноан эркаклар учун алоҳида, аёллар учун алоҳида маросимлар ўтказиш одат тусига кирган. Шу тариқа ичкари ҳовли учун ижод этадиган аёллар санъати пайдо бўлган. Улар халқ орасида “**халфалар**” деб юритилган ва санъатнинг жуда кўп соҳаларини эгаллаб, *ангишвона, ликобчалар, қошиқ, пиёлаларни бир-бирига уриб, занг, қайроқ, доира* чалиб, улар оҳангига рақсга тушиб, даврани қизитганлар. Санъатшунос С.Собированинг фикрича, “Авесто”ни ижро қилган аёллар ўтмишда ҳам халфа деб юритилган. Хоразм халфалари қўшиқ ва рақсларининг қадимийлиги, шубҳасиз, халфалар бизга фақат қадимий маросим, ибодат қуйларини эмас, балки энг қадимий “Лазги” йўлларини ҳам етказишда ўз ҳиссаларини қўшишган.”<sup>10</sup>

Халфалардан бири пиёла чертса, иккинчиси қайроқ ёки занг чалган. Учинчиси ялла айтиб, рақсга тушган ва бу ҳаракатлар навбатма - навбат алмашиб турган. Натижада, Хоразм санъатида янгича, бетакрор бир йўналиш пайдо бўлди. Бу ноёб санъат тури нафақат Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида, балки дунёдаги ҳеч бир халқда учрамайди. Хоразмда турли оммавий сайллар, тўй ва аза маросимларида хотин-қизлар даврасини халфаларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. “**Халфа**” истилоҳи “устонинг (устознинг) шогирди” деган маънони ҳам билдиради. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “халфа [ арабча – бир-бирининг ортидан бориш, эргашиш; ўрин алмашиш] 4. *Фольк*. Хоразм воҳасида маҳаллий оғзаки ижод намуналарини ижро этувчи аёл” эканлиги айтилган.

Маълумки, “Авесто”нинг “Ясна” китобида 17 та “гоҳ” қўшиқ сақланган. Ибодат маҳалида уларни ёд ўқиш қалб покланиши учун муҳим восита ҳисобланган. Олим Ҳ.Абдуллаевнинг фикрича, “гоҳ”ларни ёддан ўқийдиган хотин-қизлар ўша даврдаёқ “*қалпа*” номи билан юритилган<sup>11</sup>.

Халфалар ижодида асосий ўринни ранг-баранг ғазаллар, халқ дostonларидан олинган қўшиқлар, халқ ўйин ва рақслари эгаллаган. Ўша давр отин ойиларида хат-савод чиқарган санъатга ихлосманд қизлар халқ орасида машҳур халфалардан сабоқ олганлар. Халфалар шогирд қизларни аёллар давраларида ўзлари билан эргаштириб олиб юрганлар. Бирга куйлаб, бирга рақс тушганлар. Асрлар давомида аёллар рақс санъати, асосан, халфалар ижоди билан бирга ривожланиб келган. Улар лапар айтиб, рақсга тушиш, шеър ёзиш, унга куй басталаш истеъдодига эга бўлганлар. Тадқиқотчи Ж.Қобилниёзовнинг “Хоразм халқ қўшиқлари ва ўйинлари” китобида халфачилик ҳаракати XVIII асрнинг охиридан бошлангани айтилган. Таниқли санъатшунос И.Акбаровнинг “Муסיқа луғати”да бу сана XIX аср деб кўрсатилган. Бизнинг назаримизда, айнан Ҳ.Абдуллаев ва С.Собированинг илмий хулосаларида тарих ҳақиқати аниқроқ ифодаланган.

Томошабинга эстетик завқ, маънавий хузура бахш этувчи миллий рақс санъати ҳаракатлар ва имо-ишоралар воситасида халқнинг қадим ўтмиши, миллий кадриятлари, орзу-армонлари ҳақида ҳикоя қилади. Адабиётшунос олим Т.Жалолов Хоразм халфалари ижодини юксак баҳолайди: “Халфалар санъатнинг уч турида маҳорат касб этмоқлари, яъни созанда, хонанда ва раққоса бўлмоқлари шарт. Халфалар тўй-маъракалар фойзи, қизлар мажлиси ва аёллар базмининг маликалари

<sup>9</sup> Матёкубова Г. Рақсларда Ватан тарихи. ЎзМТРК “Ўзбекистон” радиоканали “Бедорлик” эшиттириши. 2020 йил, 15 март.

<sup>10</sup> Собирова С. Хоразмнинг Лазгиси. “Ёшлик” журн. Тошкент 1990. 4-сон. Б.-66.

<sup>11</sup> Абдуллаев Ҳ. Сўз сеҳри. ТДПУ нашриёти, Т. 2005. – Б.-6.

саналадилар: улар тўй-томошаларга қатнашиб, шодликка шодлик, қувончга-қувонч қўшадилар; ўйноқи куйлар, дилбар ашулалар билан тўй аҳлларининг қалбларига эзгу ҳислар уруғини сепадилар. Шунинг учун хоразмликлар бу шод - хуррамлик париларини олқишлайдилар, ардоқлайдилар, улар шаънига мадҳиялар ёзадилар.”<sup>12</sup>



Мутахассислар халфаларни уч тоифага ажратишади:

- эҳсон маъракаларида диний китоблар ўқиб, ислом ақидаларини тарғиб қилувчи халфалар;
- диний мавзудаги дostonларни ёд ўқиб, марсияларни куйга солувчи халфалар;
- базм ва тўйларда, аёллар йиғинларида халқ ашула ва лапарларини, халқ орасида тарқалган ғазалларни ва ўзлари ёзган шеърларни куйга солиб, ўзлари ижро этувчи созанда, раққоса, қўшиқчи халфалар.

Диний-маърифий йўналишга мансуб халфалар аза ва маъракаларда ибратли ҳадисларни, диний урф-одатларга оид ҳикоятларни халққа яқин тилда, яъни оммавий шаклда тушунтирган бўлса, тўй-томошага борадиган халфалар репертуаридан, асосан, халқ орасида машҳур дostonлардан парчалар, лапар ва айтишувлар ўрин олган.

Этнограф Т.Қиличевнинг фикрича, “Халфалар лапар ва яллаларни чолғу асбобида эмас, балки бармоққа кийиладиган *ангишвоналар, ликобчалар, қайроқ*, билакка тақиладиган *занг* ритмларига жўр бўлиб куйлаб рақсга тушганлар. Хотин-қизлар қадимдан ўйнаб келаётган “Лазги”ларни ҳам улар ёрдамида қойилмақом қилиб ўйнашга ўрганганлар.”<sup>13</sup>

Халфалар, одатда, икки таркибга бўлинишган: яккахон ва гуруҳ шаклидаги халфалар. Биринчи гуруҳга мансуб халфалар дoston ва қўшиқларни созсиз ижро этади. Улар дostonларни ёддан ёки қўлёзма ва китоблардан ёқимли, жарангдор оҳангда ўқиш, “ёр-ёр”, “келин салом”, “муборак” мазмунидаги тўй-томоша қўшиқларини ижро этиш билан шуҳрат қозонган. Хива халфаларидан машҳур Хоним халфа Саидамат қизи 1895 йилдан бошлаб қўшиқ ва дostonларни гармон жўрлигида куйлаган ва халқ орасида катта шуҳрат қозонган.

Тамаддун бешиги бўлмиш Хоразм қадимги маданиятининг илк кўринишлари рақс санъатида ёрқин намоён бўлади. “Лазги”нинг тўққиз тури бу мўъжизалар ўлкасининг маданий харитаси мисол муҳим аҳамият касб этади. Узоқ ўтмишга, қадим илдизларга эга Хоразм рақсларининг тарихий

<sup>12</sup>Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр. 1980.Б.-230.

<sup>15</sup> Қиличев Т. Лазги рақси турлари. Танланган асарлар.”Хоразм” Урганч, 2020. –Б.82.

жараёни, этнографияси ҳамда тараққиёт йўлларини, ҳар бир даврдаги услуб ва жанрларининг ўзига хос хусусиятларини илмий, назарий таҳлил қилиш давр талабидир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лазги” халқаро фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги Қарори, ЎЗА, 2020 йил 28 сентябрь.
2. Итина М.А. Хорезмская экспедиция – основные итоги и перспективы исследований. Культура и искусство древнего Хорезма.М.: “Наука”, 1981.
3. Муҳаммаджонов А. Тарих фалсафаси - маънавият кўзгуси. Т.: “Ўзбекистон”, 2015.
4. Вамбери Ҳерман.Бухоро ёхуд Моварауннаҳр тарихи. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.Т.1990.
5. Геродот. История, 1 том, М.: “Наука”, 1972.
6. Нуржонов К. Хоразм санъати тарихи. “Бедорлик” эшиттириши.”Ўзбекистон” радиоканали. ЎзМТРК, 2019 й.,20 сентябрь.
7. Жўраев М. Наврўз қўшиқлари.Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007 .
8. Қиличев Т. Қадимият рақси.“Совет Ўзбекистони ва санъати” журнали, 1983, № 6.
9. Матёкубова Г. Рақсларда Ватан тарихи. ЎзМТРК “Ўзбекистон” радиоканали “Бедорлик” эшиттириши.2020 йил, 15 март.
10. Собирова С. Хоразмнинг Лазгиси. “Ёшлик” журн.Тошкент 1990. 4-сон.
11. Абдуллаев Ҳ. Сўз сеҳри. ТДПУ нашриёти, Т. 2005.
12. Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр. 1980.
13. Қиличев Т. Лазги рақси турлари. Танланган асарлар.”Хоразм” Урганч, 2020. –Б.82.